

В.С.Хамидов, З.С.Абдуллаев, Қ.А.Исмоилов,

ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМ МУҲИТИДА КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ



coursera



Blended Learning
combining the best teaching methods



Хамидов В.С., Абдуллаев З.С., Исмоилов Қ.А.

Электрон таълим муҳитида касбий компетентликни такомиллаштириш
Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2018
128 б.

Тақризчилар

ф.-м.ф.д., профессор Ш.А.Саъдуллаева
п.ф.д., профессор З.К.Исмоилова

Мазкур монография электрон таълим муҳитида касбий компетентликни такомиллаштириш масалаларига бағишланган. Монография олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг касбий компетентлиги, уни узлуксиз ошириб бораётган зарурияти ва унда электрон таълим муҳитининг аҳамияти, электрон таълим муҳитида касбий компетентликни оширишнинг устивор йўналишлари ва бу орқали таълим сифатини ошириш масалаларига қаратилган. Аини пайтдаги глобаллашув жараёнида республикамиз олий таълим муассасаларида электрон таълим муҳити имкониятларини фойдаланган ҳолда профессор-ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ошириш долзарб вазифадир. Монографияда илғор хорижий тажрибалардан кенг фойдаланган касбий компетентликни ривожлантиришнинг назарий-услубий асослари, электрон таълим ресурсларидан унумли фойдаланган ҳолда ўқув жараёнини ташкиллаштириш, хусусан талабаларнинг мустақил ўқув фаолиятларидаги компетенцияларини такомиллаштиришнинг ОООК, Blended learning, масофавий таълим технологиялари имкониятларини фойдаланиш усуллари ва таълим сифатини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган. Монографияда, шунингдек, электрон таълим муҳитининг турли соҳаларда қўлланилиши борасидаги таҳлилий тадқиқотлар ўрин олган.

ISBN 978-9943-06-496-6

©Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси нашриёти,

КИРИШ

Олий таълим муассасаларининг энг асосий мақсади олий таълим сифати таъминлаш, яъни сифатли, ракобатбардош кадрлар тайёрлашдан иборатдир. Айни пайтдаги, ахборотларнинг тезкор янгиланиши шароитда ҳар бир олий таълим муассасасида таълим сифат масаласи, таълимнинг охириги янгилликлари, техник воситалар ва технологиялар билан бойитилиши, таълимнинг замонавий ишлаб чиқариш билан интеграциялашуви муҳим аҳамият касб этмоқда. Таълим сифатини таъминлашнинг энг асосий компонентларидан бири бу профессор-ўқитувчиларнинг касбий компонентлигини таъминлашдир. Таълим тараққиётининг кейинги истиқболи кўп жиҳатдан таълим берувчиларнинг касбий компетентлиги масала билан боғлиқ бўлиб бормоқда. Ахборот асри ҳар бир педагогдан АКТ бўйича етарли билим ва малакага эга бўлишни талаб этмоқда. Глобаллашув ва ахборот алмашинуви жадал бораётган шароитда жаҳон тажрибасида ўзини оқлаган таълим моделларида таълим сифатини таъминлашга қаратилган усулларни ўрганиш ва уларни миллий таълим тизимига мувофиқлаштириш бўйича изланишларни амалга ошириш ҳозирги кунда долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов томонидан хорижий тилларни ўрганиш бўйича белгиланган вазифалар негизида халқаро майдонга чиқиш ва тегишли соҳаларда илгор тажрибалар, халқаро стандартларни ўрганиш ва миллий тизимда қўллаш ётади.

Таълим жараёнида электрон таълим имкониятларидан кенг фойдаланиш ва бу педагог ходимлар касбий компетентлигини ошириш алоҳида эътибор талаб этмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси таълимнинг ракобатбардош бўлишлиги тўғрисида қуйидаги фикрларни айтиб ўтади: “Яъни Ўзбекистон илм-фан, интеллектуал